



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2021 - yil 13 - noyabr

VI-26-50-6-0-K/21

Namangan viloyati hokimligi

Вилоятда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида

Мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, жойларда “Аёллар дафтари”ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар муаммоларини, эҳтиёжлари ва қизиқишларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида, шунингдек, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ;

Ўтган 9 ой мобайнида Мухтарам Президентимиз томонларидан белгилаб берилган тизим асосида вилоятда ижтимоий ҳимояга мухтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Аёллар дафтари” жорий этилд ва ушбу тизим бўйича 1-босқич ишлари ўз якунига етказилди.

Унга кўра 3-чорак якуни бўйича вилоят бўйича 35 275 нафар ижтимоий ҳимояга мухтож хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилди. “Аёллар дафтари”га киритилган 35 275 нафар аёлларнинг 34 911 нафари (99%) нинг муаммолари ўрганилиб, ҳал этилди.

Жумладан, 20 122 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз, 4 176 нафар боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд, 734 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож 1-гуруҳ ногирони, 3 057 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож 2-гуруҳ ногирони, 705 нафар уй-жойини таъмирлашга муҳтож 1-гуруҳ ногирони, 319 нафар нотурар жойларда истиқомат қилаётган, 1 058 нафар қарамоғида бир ва ундан ортиқ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд ёлғиз, 3 445 нафар тиббий ҳимояга, 764 нафар ҳуқуқий, 531 нафар психологик маслаҳатларга муҳтож аёлларга ёрдам тегишли масъулларни жалб этган ҳолда муаммоларини ҳал этиш ишлари олиб борилди.

Наманган вилоятида 2-босқич “Аёллар дафтари”ни шакллантиришда хатлов ва ўрганиш натижасида 36 179 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар “Аёллар дафтари”га киритилди ва банд бўлмагани ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ёрдамга муҳтож 1 ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган, уй-жойини таъмирлашга муҳтож 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган, нотурар жойларда истиқомат қилаётган, қарамоғида бир ва ундан ортиқ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд, тиббий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд, ҳуқуқий ва психологик маслаҳатга муҳтож аёллар критериялари бўйича белгилаб олинди.

Ҳатлов натижаларига кўра, вилоятда 36 179 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар “Аёллар дафтари”га киритилган бўлиб, Наманган шаҳрида 2 690 нафар, Давлатободда 1 447 нафар, Янги Наманганда 1 008 нафар, Косонсойда 3 841 нафар, Мингбулоқда 1 109 нафар, Наманганда 1 857 нафар, Норинда 2 112 нафар, Попда 3 348 нафар, Тўрақўрғонда 3 327 нафар, Уйчида 3 100 нафар, Учқўрғонда 2 687 нафар, Чортоқда 3 023 нафар, Чустда 4 739 нафар, Янгиқўрғонда 1 891 нафарга тўғри келади.

“Аёллар дафтари”га киритилган аёлларнинг:

- 10 191 нафари банд бўлмагани ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аёллар; шундан;
- 4 314 нафари ишга муҳтож ишсиз аёллар;
- 1 084 нафари касб-хунарга ўқиш истагини билдирган аёллар;
- 1 931 нафари тадбиркорлик қилиши учун кредит олишда амалий ёрдам сўраганган аёллар;
- 2 862 нафари томорқасидан даромад олишни хоҳловчи аёллар;

- 3 478 нафари боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд аёллар;
- 3 473 нафари ижтимоий ёрдамга мухтож 1 ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган аёллар;
- 92 нафари уй-жойини тамирлашга мухтож 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган аёллар;
- 35 нафари нотураж жойларда истиқомат қилаётган аёллар;
- 1 763 нафари қарамоғида бир ва ундан ортиқ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд ёлғиз аёллар;
- 13 298 нафари тиббий химояга мухтож эҳтиёжманд аёллар;
- 2 201 нафари ҳуқуқий ёрдамга мухтож аёллар;
- 1 648 нафари психологик маслаҳатга мухтож аёлларни ташкил этади.

Аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

“Аёллар дафтари”га киритилган 36 179 нафар аёллардан 36 179 нафари (100 %) нинг муаммолари ўрганилиб, ҳал этилди.

Жумладан, 10 191 нафар ижтимоий химояга мухтож ишсиз, 3 478 нафар боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд, 465 нафар ижтимоий ёрдамга мухтож 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган, 3 008 нафар ижтимоий ёрдамга мухтож 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган, 92 нафар уй-жойини таъмирлашга мухтож 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган, 35 нафар нотураж жойларда истиқомат қилаётган, 1 763 нафар қарамоғида бир ва ундан ортиқ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд ёлғиз, 13 298 нафар тиббий химояга мухтож, 2 201 нафар ҳуқуқий ёрдам олишга мухтож, 1 648 нафар психологик маслаҳатга мухтож аёлларга тегишли масъулларни жалб этган ҳолда муаммоларини ҳал этиш ишлари олиб борилди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш бўйича хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, уларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги ПҚ–5020-сон қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий ёрдам ва кўмакка мухтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарорига

хамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Мусаевнинг “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан ишлаш ҳамда уларни рўйхатдан чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлари юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ҳудудларда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлардан муаммолари ҳал этилиб, далолатнома расмийлаштирилган ва розилик хатлари олинган 34 911 нафар хотин-қизлар 3-чорак якуни билан “Аёллар дафтари”дан чиқарилсин.

3. Вилоятдаги сектор вакиллари жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда 777 та маҳаллалардаги оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ёрдамга муҳтож хотин-қизлар оилавий аҳволи ўрганиш юзасидан ўтказилган иккинчи босқич якунларига кўра 36 179 нафар аёллар “Аёллар дафтари”дан чиқарилсин.

4. Шаҳар ва туман ҳокимлари ва сектор раҳбарлари, вилоят ҳокимининг ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ш.Мусаев, вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси И.Қўчқарова ҳамда мутасадди ташкилот раҳбарларига:

“Аёллар дафтари”даги оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш бўйича белгилаб берилган вазифалар бўйича жойларда масъуллар томонидан ўз вақтида ва сифатли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;

ҳафтада бир маротаба вилоят ҳокими билан бирга “Аёллар дафтари” бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда аёллар муаммоларини ҳал этиш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлигини муҳокама қилиб бориш;

Ноябрь ва декабрь ойлари давомида “Аёллар дафтари”нинг 3-босқичига ва қайта хатлов ўтказиш чоралари кўриш вазифалари топширилсин.

5. Вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати (Ф.Мамадалиев), оммавий ахборот воситлари вакиллари билан биргаликда:

мазкур қарорнинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш;

жойларга чиқиб, амалга оширилаётган ислохотларни кенг аҳоли қатламига етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали доимий тарғибот ишларини амалга ошириш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий - маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov